

---

Пластик картангиздан пул ўмаришларига йўл қўйманг, фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг!

**Пластик карталардан фойдаланиш янада хавфсиз ва техник жиҳатдан мукаммал жараёнга айланиб бормоқда. Лекин фирибгарлар таслим бўлмаяпти: улар инсонларнинг ишончларидан ва карталарни ишлатишнинг асосий қоидаларини билмасликларидан фойдаланишмоқда.**

Минг афсуски, сўнгги вақтларда Ўзбекистон туманида ҳам ушбу фирибгарлик жиноятини содир этаётганлар ва бундан жабр кўраётган фуқароларимиз учраб турибди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва банклар мунтазам равишда, пулидан эҳтиётсизлик оқибатида маҳрум бўлган фуқаролардан аризаларни қабул қилмоқдалар. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, фирибгарларнинг қандай усуллардан фойдаланишлари ва уларнинг тузоғига қандай қилиб тушмасликни сизга яна бир бор тушунтириб ўтамиз.

Ўзингизни фирибгарлардан ҳимоя қилиш учун қуидаги тавсияларимизга қатъий риоя қилишингизни сўраймиз:

- Ўз картангиз PIN-кодини бегоналарга айтманг;
- Текшириш учун SMS тасдиқ кодини ҳеч кимга кўрсатманг;
- Шубҳали шахсларга пул ўтказманг;
- Сизга таклиф этилаётган шубҳали ҳаволаларга ўтманг, у ерга маълумотларингизни киритманг. Ҳаволаларга эътибор билан қаранг, шубҳали туюлган тарафларига дикқат қилинг, тақдим этилган манзил расмий веб-сайт манзилига ўхшаш бўлиши мумкин;
- Картадан ўтказиш йўли билан олдиндан тўловни амалга оширманг, маҳсулот қўлингизга етиб келгандан сўнггина тўланг. Арzon нарх ва етказиб бериш бўйича “савдолашиб”, алданиб қолманг. Агар реклама берувчи сизни алдаган бўлса, дарҳол алоқага чиқиш тизими орқали расмий веб-сайт маъмурятига хабар беринг;
- Ижтимоий тармоқларга 16 хонали рақамлари кўриниб турган картангиз суратини жойлаштирманг.

Шуни ёдингизда тутингки, Uzcard, Humo миллий тўлов тизимлари ёки банклар карта рақамини, ПИН-кодни ёки SMS бўйича тасдиқлашни билиш учун ҳеч қачон мижозларга қўнғироқ қилмайди, чунки бу маълумотлар уларнинг базаларида мавжуд бўлади.

Фирибгарлар турли сабабларни баҳона қилиб, ўзларини банк ёки миллий тўлов тизимлари ходимлари бўлиб таништиришлари мумкин. Уларнинг мақсади — картангиздан пулларни ечиб олиш. Агарда сизга бундай қўнғироқ келиб тушган бўлса, тегишли органларга хабар беришни унутманг.

---

2022-01-28 10:02:05